



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



MiTС

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги



ҲУЖЖАТ НОМИ:

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президентининг Фармони  
“ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-  
ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ПФ-6044**

САНА:

2020 йил 24 август



- Сўнгги йилларда тадбиркорларга телекоммуникация соҳасида лицензия олиш жараёнида қўйидаги қулийликлар яратилган:
- лицензия бериш тартиблари соддалаштирилди;
- лицензия олишда тақдим этиладиган ҳужжатлар 4 тага камайтирилди;
- лицензиялар амал қилиш муддати чегараланмаган муддатга расмийлаштирилмоқда (кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари ҳамда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш фаолиятидан ташқари);
- аризалар [my.gov.uz](#) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали “Ягона дарча” тамойили асосида электрон кўринишда қабул қилиниб, электрон лицензиялар расмийлаштирилмоқда;
- аризалар кўриб чиқиш ҳамда лицензия берганлик учун тўловлар ягона билинг тизими орқали амалга оширилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари  
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Соҳага оид лицензиялаш бўйича  
қонун ҳужжатлари

MiTС

- Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2020 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6044-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан:



- 2021 йил 1 январдан қўйидаги лицензиялар бекор қилинди:
- умумий фойдаланиш пунктлари, шу жумладан қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий фойдаланиш пунктлари томонидан маълумотларни узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш (Интернет кафе);
- қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳаллий телекоммуникация тармоқлари орқали хизмат кўрсатиш;
- қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан шаҳарлараро телекоммуникациялар тармоқлари орқали хизмат кўрсатиш;
- қишлоқ жойлардаги кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан халқаро телекоммуникациялар тармоқлари орқали хизмат кўрсатиш.



- 2021 йил 1 январдан:
- 1) лицензиялар сонини учта телекоммуникация тармоғи (маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро тармоқлар) бўйича лойиҳалаш ва/ёки қуриш фаолиятига ягона лицензия бериш йўли билан 3 бараварга қисқартирилган;
- 2) лицензиялар сонини иккита телекоммуникация тармоғи (маҳаллий ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари) бўйича фойдаланиш ва/ёки хизматларни кўрсатиш фаолиятига бериш йўли билан 2 бараварга қисқартирилган.
- Бунда берилаётган лицензиялар сони 40 дан 12 тага камайди, ҳамда бирлаштирилган лицензияланадиган фаолият тури учун ундириладиган давлат божи миқдори бирлаштириш йўли билан бекор қилинаётган фаолият тури учун белгиланган давлат божининг энг кам миқдордагиси сақлаб қолинди.